



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 74 (12.135)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ

БИР КУНИ

Кўшма корхоналарда



ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ОРТМОҚДА

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз иқтисодийда олиб борилаётган изчил ислохотлар жараёнида хорижий сармоядорлар билан ҳамкорликни янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, иқтисодий ўсишга эришишда, кенг қўламли бозор ислохотларини жорий этишда хорижий инвестицияларни жалб қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Чет эллик шериклар билан ҳамкорликда бизнес юритиш учун яратилган қулай сармоявий муҳит, зарур шароит ва имтиёзлар қўллаб хорижий фирма ва компанияларнинг Ўзбекистон бозорига фаолият кўрсатишга қизиқишини оширмоқда. Бунинг хориж сармоядорлари билан ҳамкорликда ташкил этилган кўлаб кўшма корхоналар мисолида кўриш мумкин. «Дойче-Кабель АГ Тошкент» очик акциядорлик жамияти шулар жумласидандир.

Ўзбекистон ва Германия ишбилармонлари ҳамкорлигининг амалий натижаси бўлган ушбу кўшма корхона ўз фаолиятини 1998 йилда бошлаган. Бу ерда телефон алоқаси, компьютер ва юқори кучли электр тармоқлари учун ишлатиладиган кабель-симлар, шунингдек, тоғ-кон санаети, қурилиш, паррандачилик каби соҳаларда қўлланиладиган махсус турлар ҳамда пахта тойларини ўрашда фойдаланиладиган белбоғлар ишлаб чиқаришмоқда. «Дойче-Кабель АГ Тошкент» ўз харидорларига, шунингдек, турли ўтказкич ва пўлатдан ишланган буюмлар ҳам етказиб бермоқда. Иқтисодий тиричиликда чет

эл инвестицияларини жалб этиш нафақат хорижий шериклар билан ҳамкорликда янги лойиҳаларни амалга ошириш, аynи пайтда янги замонавий техника, дастгоҳ ва ускуналар, технология ва ноу-хауларни жорий этиш, шу асосда маҳсулотларнинг юксак сифатини таъминлашга қаратилган. Бунинг амалий самарасини ушбу корхона мисолида ҳам кўриш мумкин. Корхонада маҳсулотлар замонавий технологиялар асосида тайёрланмоқда.

Корхона маҳсулотларига ташки бозорда ҳам талаб катта. Бугунги кунда «Дойче-Кабель АГ Тошкент» Германия, Латвия, АКШ, Янги Зеландия, Россия, Туркия, Грузия, Қозоғистон, Афғонистон, Туркменистон ва Озарбойжон каби қатор мамлакатлардаги буюртмачиларга маҳсулот етказиб бермоқда. Кўшма корхонада 2011 йилда экспорт ҳажми икки баробар ошди.

Корхонада яқин кунларда янги маҳсулот – девор учун эканопанеллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Қурилиш соҳасида қўлланиладиган экологик тоза ушбу маҳсулот энергияни тежаш хусусиятига эга бўлиб, турар жой бинола-

ри ва ишоотларни совуқ кунларда иссиқ, жазирамада эса, аксинча, салқин сақлашга хизмат қилади. Экопанеллар, шунингдек, зилзила ва табиий офатларга бардошли.

Кўшма корхонада етти юзга яқин киши меҳнат қилмоқда ва улар учун барча зарур меҳнат ва дам олиш шароитлари яратилган. Корхона раҳбарияти мутахассислар малакасини оширишга ҳам катта эътибор қаратиб келмоқда.

«Дойче-Кабель АГ Тошкент» кўшма корхонаси юртимизда ҳамда дунёнинг турли мамлакатларида ўтказиладиган нуфузли кўргазмаларда фаол қатнашиб, саноатимизнинг юксак салоҳиятини намойиш этиб келмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда биз, тадбиркорларнинг хорижий ҳамкорлар билан фаол иш юритиши учун яратилган қулайликлар, улкан имконият ва имтиёзлар муваффақиятларимизда муҳим омил бўлмоқда, – дейди «Дойче-Кабель АГ Тошкент» очик акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Мирхайдар Саидов. – Корхонамиз маҳаллийлаштириш дастурига асосан тармоқ ва тармоқларо раҳбарликни кенг қўламда давом эттирмоқда. Шу билан бирга, маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича Хитой, Япония, Германия, Испания, Жанубий Корея каби мамлакатлар билан ҳамкорликда қўллаб-қўлловчи лойиҳаларни амалга ошириш устида иш олиб бормоқдамиз. Мақсадимиз ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва экспорт жўғрофиясини янада кенгайтиришдан иборат.

Ирода УМАРОВА,
ЎЗА мухбири
Аскар Ёқубов (ЎЗА) олган сурат

Мамлакатимизнинг Россиядаги элчихонасида «Ўзбектуризм» Миллий компанияси ва «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси билан ҳамкорликда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси кўмагида ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси сайёҳлик салоҳиятининг тақдироти бўлиб ўтди.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИ МОСКВАДА ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

Унда Ўзбекистон ва Россия сайёҳлик маъмуриятларининг раҳбар ва ходимлари, тармоқ уюшмалари, икки мамлакат сайёҳлик фирма ва компаниялари, ишбилармон ва жамоатчилик доиралари ҳамда оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳозир бўлдилар.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан сайёҳликни ривожлантириш, республиканинг маданий-тарихий меросини тиклаш, бетакрор меъморчилик обидаларини таъмирлаш ва қайта тиклаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақидаги батафсил маълумотлар тадбир иштирокчиларининг эътиборига ҳавола этилди.

Шунингдек, керакки, мамлакатимиз сайёҳлик бизнеси вакилларининг чиқишлари тақдимот қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди. «Dolores Travel» сайёҳлик компаниясининг бош директори Фарҳод Расулов ва «Asia Adventures» сайёҳлик фирмаси директори Владимир Долгий ўз компанияларининг фаолият йўналишлари билан таништирилган экан, Ўзбекистонда яратилган замонавий сайёҳлик инфратузилмасига алоҳида эътибор қаратгани ҳолда энг жозибador сайёҳлик йўналишлари ва дастурлари ҳақидаги маълумотларга атрофлича тўхталдилар.

Мамлакатимизда сайёҳликнинг тобора ривожланиб бораётган турлари, дам олиш масканлари, сайёҳлик мажмуалари ҳамда Ўзбекистон пойтахтини унинг қадимий шаҳарлари билан боғлаган ҳолда Ўрта Осиёда илк бор қатнаётган, юқори тезликда ҳаракатланувчи поездлар тўғрисидаги ахборотлар ҳам тақдимот иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Тадбир мазмунини бойитган жиҳатлар ҳар бир чиқишининг мультимедиа тақдимотлари билан тўлдирилгани ҳамда мамлакатимиз сайёҳлик марказлари ҳақида тўла тасаввур уйғотадиган суратлар мажмуи намойиш қилингани, шунингдек, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Ўзбектуризм», «Dolores Travel», «Asia Adventures», «Intercontinental Tashkent», «OrexCA» каби компанияларнинг маълумотлари акс этган стендларнинг ташкил этилгани билан изоҳланади.

(Давоми 2-бетда)

2012 йил — Мустаҳкам оила йили

ЭЗГУ МАҚСАДЛАР МУШТАРАКЛИГИ

Халқаро ҳамкорлик марказида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди, «Ҳаёт учун!» миллий уюшмаси, БМТ Аҳолишунослик жамғармаси ҳамкорлигида «Соғлом она – соғлом бола – мустаҳкам оила асоси» мавзuida давра суҳбати ўтказилди.

салбий ҳолатларга барҳам беришда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Аҳолига тез, юқори малакали, сифатли ва ишончли тиббий хизмат кўрсатилиши, юқумли касалликларга қарши профилактика чораларининг ўз вақтида қўлланилиши, фарзанд кўриш ёшидаги аёллар, ўсимир қизларни соғломлаштириш тадбирларининг самарали амалга оширилиши натижасида аҳолининг ўртача умр кўриш даражасини узайтириш, хавфли юқумли касалликларнинг олдини олиш, хотин-қизларни соғломлаштириш бўйича юксак кўрсаткичларга эришилмоқ-

да. Бу борада қўлга киритилган ютуқлар халқаро миқёсда ҳам алоҳида эътироф этилиб, қимматли тажриба сифатида ўрганилмоқда.

Аҳоли саломатлигини янада яхшилашга доир эзгу ишларда турли вазирлик ва идоралар билан бирга Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди, «Ҳаёт учун!» миллий уюшмаси каби жамоат ташкилотлари ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда.

Назokat УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** М. Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети қошидаги С. Сирождинов

номли академик лицейда бўлиб ўтган тадбир «Ёшларнинг ҳуқуқий-сиёсий саводхонлигини ошириш» мавзусига бағишланди.

✓ **БУГУН** Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасида ўтказилган давра суҳбати «Куй ва қўшиқ

ҳамоҳанглигида шеъриятнинг ўрни» деб номланди.

✓ **БУГУН** Юнусобод туман ҳокимлиги ташаббуси билан ёшларни баркамол шахс этиб тарбиялаш мақсадида Тошкент радиотехника коллежида «Жасур»

номли кинофильм тақдимоти бўлиб ўтди.

✓ **КЕЧА** Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашида «Оилада иқтидор тарбияси» мавзuida он-лайн мулоқот бўлиб ўтди.

XXI саҳоси
Барча маибалардан олинган бўлган табиат

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Сардоба туманидаги 9-умумтаълим мактабида Президентимиз Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» китобини ўрганиш ва аҳоли, айниқса ёшлар ўртасида унинг маъно-мазмунини ва моҳиятини очиб бериш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

• Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Энг яхши китобхон» кўрик-танлови Навоий вилояти босқичида қатнашган юз нафар китобхон тўрт шарт бўйича ўзаро куч синашди. Танлов голиблигини қўлга киритган Наргиза Исмоилова кўп китоб ўқиш билан бирга, шеър ва мақолалар ҳам ёзади. «Ўзбегим қизлари», «Умид гунчаси» номли шеърий китоблари нашр этилган.

• Ўрта бўгин тиббиёт ходимлари фаолиятини янада яхшилаш, уларнинг меҳнатини рағбатлантириш мақсадида ҳамширалар ўртасида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Ҳамшира – 2012» кўрик-танловининг Андижон вилояти босқичи якунланди.

• Бувайда туманидаги «Бачқиробод» балиқчилик фермер хўжалигида бўлиб ўтган семинарда вилоятда балиқчилик тармоғини ривожлантириш борасида қилинаётган ишлар ва галдаги вазифалар хусусида сўз юритилди.

• Сирдарё вилояти соғломлаштириш реабилитация марказига яна бир янги замонавий тиббий аппарат ўрнатилди. БТЛ 16 PLUS деб номланувчи ушбу ускуна умуртқа хасталиклари, остеохондроз, ҳалқасимон тоғайлар чуррасининг бошланғич даври, бўғим касалликларини даволашда яхши самара беради.

ЖАҲОНДА

• Кеча Нью-Йорк хом ашё биржасида бўлиб ўтган навбатдаги савдолар чоғида WTI русумли нефтнинг нархи 0,94 долларга кўтарилиб, бир баррели 103,60 долларни ташкил этди. Лондонда ўтказилган савдоларда эса Brent русумли нефть нархи 1,53 долларга ошиб, бир баррели 121,71 доллардан иборат бўлди.

• Йель университети олимлари тишларни тез-тез рентгенга тушириш мия саратони юзга келишига сабаб бўлишини аниқладилар. Нейрожарроҳларнинг таъкидлашича, тиш шифокорлари томонидан беморларни мунтазам рентгенга юбориш бош мияда ўсимта пайдо бўлиши ёки унинг ривожланиш жараёни тезлашишига олиб келади.

• АКШнинг «Intel» компанияси янги турдаги «мактаб планшет»ларини ишлаб чиқарди. 200 АКШ доллари турадиган бундай планшетлар мактаб ўқувчилари учун электрон кундалик, китоб вазифасини бажаради. Болалар ушбу электрон китобча орқали расм чизиши ва интернетдан фойдаланиши мумкин. Оғирлиги 525 граммни ташкил этувчи планшет хотирасига жуда катта ҳажмдаги маълумотларни жойлаштириш мумкин.

• Буюк Британиядаги «Дарем» университети музейидан баҳоси икки миллион фунт стерлингга тенг ноёб топилмалар ўғирлаб кетилди, деб хабар беради РАТА-ТАСС. Жиноятчилар томонидан олиб кетилган нефритдан ишланган жом ва чинни ҳайкалча Хитойнинг 1644-1911 йилларидаги Цин сулоласига тегишли бўлган.

• Бразилия чангалзорларида номаълум қабила борлиги аниқланди. Пальма шоҳларидан ясалган уйчалар қабила аъзолари учун бошпана вазифасини ўтайди. Темирдан ясалган ханжар ва болта ов қуроллари ҳисобланади. Мутахассислар мазкур номаълум қабиланинг келиб чиқиш тарихини ўрганишмоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида аҳоли бандлигини таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил этиш, айниқса, коллеж битирувчиларини тўла қамраб олиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Мотивий-иқтисодий инқироз туфайли кўплаб давлатларда иш ўринлари қисқарётган бугунги мураккаб шароитда мамлакатимизда мазкур йўналишда узқич кўлаб амалга оширилган чора-тадбирлар ўзининг юксак самараларини бераётди.

Мамлакатимизда 2012 йилда иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури доирасида 967 миңдан зиёд иш ўрни яратиш, уларнинг 600 миңини қишлоқ жойларда ташкил этиш кўзда тутилган.

Касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш, ўз соҳасининг етук мутахассиси этиб тарбиялаш мақсадида ишлаб чиқилган «коллеж-битирувчи-корхона», «устоз-шоғирд» лойиҳалари бунда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тиббиётга ихтисослашган коллежлар фаолиятида ҳам бунинг амалдаги ифодасини кўриш мумкин.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигидан маълум қилишларича, мамлакатимиздаги мавжуд 78 тиббиёт коллежидан таълимнинг олти йўналиши бўйича мутахассислар тайёрланмоқда.

Жафрий йил ушбу таълим масканларини 51 миңдан зиёд йигит-қиз битиради. Уларни иш билан таъминлаш, малакали ўрта бунинг тиббиёт мутахассислари тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, ўқувчиларни амалиётга кенг жалб этиш, «коллеж-битирувчи-корхона» ҳамкорлигини мустаҳкамлаш — доимий эътиборда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 11 февралдаги «Касб-хунар коллежлари ўқувчиларини ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш ва ўтказишни такомиллаштириш тўғрисида»-ги қарори асосида даволаш-профилактика муассасаларида ўқувчилар амалиёт машғулотларини ўтамоқда.

Бунинг учун шифо масканларидаги бир ярим миңга яқин ўқув хонаси академик лицей ва тиббиёт коллежлари ўқувчилари учун клиник амалиёт базасига айлантирилди ва замонавий ўқув-услубий, амалиёт воситалари билан таъминланди.

Шифо масканларининг етакчи мутахассислари ёшларга зарур билим ва илгор тажрибани ўргатиб, уларни тиббиёт соҳасидаги янгиликлардан бохабар этаётди.

2-Республика тиббиёт коллежиде фармация, ҳамширалик иши, тиббий профилактика иши, лаборатория диагностикаси йўналиши бўйича уч миң нафарга яқин мутахассис тайёрланмоқда.

Коллежда таълим жараёнини жаҳон андозалари даражасида ташкил этиш, ўқув ва амалиёт ишларини узвий боғлиқ ҳолда олиб бориш мақсадида пойтахтимиздаги ихтисослашган тиббий-илмий марказлар, олий ўқув юрталари, даволаш-профилактика муассасалари, санитария-эпидемиология марказлари, фармацевтика корхоналари билан қирқдан кўпроқ ҳамкорлик шартномалари тузилди.

Хар бир ўқувчи амалиётни ўз ихтисослигига мос йўналишдаги корхоналарда ўтамоқда.

Коллеж-битирувчи-корхона ЁШЛАР ИНТИЛИШИГА ҚАНОТ БАҒИШЛАБ...

Жумладан, ҳамширалик иши бўйича тахсил олаётган ўқувчилар Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, Тошкент тиббиёт академияси, пойтахтимиздаги етакчи шифохоналарда амалиёт ўтамоқда.

Тиббий профилактика иши ва лаборатория диагностикаси йўналишида Республика санитария-эпидемиология назорати марказининг туманлардаги тузилмалари билан ҳамкорлик ўрнатилган.

Фармация соҳасининг бўлғуси мутахассислари Тошкент фармацевтика заводи, «Радикс» масъулият чекланган жамияти, «Галеника» каби йирик фармацевтика корхоналарида, дорихоналарда амалий кўникмаларни эгалламоқда.

Бундай ҳамкорлик лойиҳалари ўқувчиларни назарий билимини амалий тажриба асосида мустаҳкамлаш ва малакали мутахассис этиб тарбиялашда юксак самаралар бермоқда, — дейди 2-Республика тиббиёт коллежи дирек-

тори ўринбосари Азиза Фанихўжаева. — Ўқувчиларимизнинг амалиёт жараёнини самарали ташкил этишга қарийб 140 нафар махсус фан ўқитувчиси жалб этилган.

Улар ўқувчи амалиёт дафтарини юритишини, тажриба ўрганиши жараёнини таҳлил этади, билим ва кўникмаларини янада бойитиш устида ишлайди. Коллежимизда тажриба-амалиёт якунлари ҳар кун таҳлил этилган ҳолда эртанги кунга тайёрланиш яхши аънаъга айланган.

Билим масканиде лаборатория диагностикаси бўйича тахсил олаётган ўқувчиларнинг бир қисми Тошкент шаҳар ўсмирлар диспансериде амалиёт ўтамоқда.

Ешларга бу жараёнда диспансернинг бош лаборанти Мукаррам Мусоева мураббийлик қилмоқда. Шифохона энг сўнгги русумдаги лаборатория ва диагностика асбоб-ускуналари билан таъминланган.

Компьютер электр энцефалография, компьютер электр кардиография, рақамли флюорография каби янги тиббий технологияларини ёш ва малакали мутахассислар маҳорат билан ишлатаётди.

Амалиётга келган коллеж ўқувчиларининг ҳар бири бу жараёнларни бевосита кузатиш имконига эга. Диспансернинг ўқув-амалиёт хонасида эса тажриба жараёнлари таҳлил этилади.

Тошкент шаҳар ўсмирлар диспансери бош шифокори Маҳбуба Орифонованинг айтишича, шифо масканиде ҳозирги кунда пойтахтимиздаги тиббиёт коллежларидан икки юз нафардан кўпроқ ўқувчи амалиёт ўтамоқда.

Баҳор ХИДИРОВА, ЎЗА муҳбири

Осоишталигимиз посбонлари

МАҲОРАТ ВА ТАЖРИБА МАКТАБИ

Жамиятимизда тинч ва осойишта турмуш тарзини, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштиришда муҳим омил бўлмоқда.



Яқинда Ўзбекистон Республикаси ИИБ академияси ўқув полигониде бир ой давомида касбий билим ва маҳоратини оширган 600 нафар профилактика инспекторига сертификат топширишга бағишланган битирув тантанаси бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси ИИБ масъул ходимлари, академия профессор-ўқитувчилари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири генерал-лейтенант Б. Матлюбов сўзга чиқиб, юртимизнинг барча ҳудудларида фаолият олиб бораётган ички ишлар идоралари профилактика инспекторларининг бугунги кундаги жаңговар тайёргарлиги, уларнинг аҳоли, айниқса маҳаллалар билан ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйишда, шунингдек, ҳар қандай содир этилган жиноятларни фох этишда катта натижаларга эришадигани ҳақида айтиб ўтди.

Таъкидланганидек, профилактика инспекторларининг малакаси ва профессионал маҳоратини ошириш гоят муҳим вазифалардан биридир.

Юксак профессионализм, ҳушмуомалалик, одамлар орасига кириб бориш, ёшлар қалбига йўл топа билиш, оила ва мактаблар билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш — ҳар бир профилактика инспекторининг асосий хусусиятлари бўлмоғи лозим.

Ана шу мақсадда ИИБ академияси ҳузурида профилактика инспекторлари ўқув курслари ташкил этилганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Бир ойлик ўқув машғулотида профилактика инспекторининг тажриба, билим ва амалий кўникмалари янада мустаҳкамланади, — дейди ИИБ Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси бошлиғи У. Нарзуллаев.

Профилактика инспектори нафақат ҳуқуқий, касбий билимга, балки жисмоний ва жаңговар тайёргарликка ҳам эга бўлиши зарур.

Бу ерда ўқув машғулоти тажриба билан соҳа ходимлари, академия профессор-ўқитувчилари томонидан олиб борилмақда.

Шу билан бирга барча шарт-шароитга эга маъруза заллари, ўқув методик хоналар, ўқ отиш тайёргарлигини ўтказиш учун тир ва спорт заллари профилактика инспекторлари ихтиёрида.

Тадбирда ўқув машғулоти жараёнида ўзларининг билимга қўқлиги, берилган топшириқларни ўз вақтида сифатли бажариш қобилиятига эгаллиги, касбий кўника ва тажрибаларини оширишга фол интилишини ҳисобга олган ҳолда амалда қонун ва ИИБ меъёрий ҳужжатлари талабларини яхши билган ҳақда амалиётда тўғри қўллай олган 34 нафар профилактика инспекторлари Фаҳрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан мукофотландилар.

Тадбир якунида сўзга чиққан профилактика инспектори Б. Атабоев бугунги кунда профилактика инспекторларига билдириладиган эътибор ва ғамхўрликка жавобан битирувчилар номидан халққа, Ватанга, Президентга, касбга содиқ қолган ҳолда ўз хизмат вазифаларини доимо сиздиқидилдан бажаришга ваъда берди.

Шаҳло БАБАЕВА, ИИБ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси инспектори

Газ қаттиқ ва суюқ жисмлардан фарқли ўлароқ, ўз хоссаларини ўзгартирмасдан, кенглик (оддий шароитда) бўйлаб тарқалиш имконига эга бўлган модда ҳисобланади. Ёқилғи-энергетик гуруҳга мансуб, шунингдек барчага маълум табиий фойдали қазилмалар комплекси ичида табиий газ мамлакатнинг халқ ҳўжалигида ишлатилиши бўйича дастлабки ўринларда туради.

ТАБИЙ ГАЗ — ДАВЛАТИМИЗ БОЙЛИГИ ундан тежамкорлик билан фойдаланайлик

Мустақилликнинг илк кунлариданоқ, мамлакатимизда ёқилғи-энергетика соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган зарур ҳуқуқий асослар яратилди.

Жумладан, республика истеъмолчиларини белгиланган тартибда табиий ва суюлтирилган газ билан узлуксиз таъминлаш, магистрал газ қувурлари тизими ва газ тақсимлаш тармоқларида ягона техник сисбатни олиб бориш, бунда уларни техник жиҳатдан модернизация қилиш, тармоққа хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш вазифаларини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 8 августдаги «Ўзтрансгаз» акционерлик компанияси фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 10 январдаги «Ўзбекистон Республикаси истеъмолчиларига газ етказиб бериш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»-ги, 2002 йил 20 мартдаги «Табиий газ етказиб бериш ва унинг учун ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»-ги қарорлари ва бошқа бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши соҳаривожининг салмоқли натижаларга эришишга замин яратиб берди.

Бугунги кунда ҳукумат томонидан амалга ошириб келинадиган барча чора-тадбирлар газ қувурлари тизими ва истеъмолчилар томонидан газ тақсимлаш тармоқларида табиий газдан оқилноа фойдаланишни таъминлаш ва бунда замонавий ҳисоблаш жиҳозлари ҳамда усулларини жорий этиш, табиий газнинг исроф қилиниши ва асоссиз ишлатилишини камайтириш чораларини кўриш, табиий газдан ўзбошимча ёки ноконуний фойдаланиш каби ҳолатларнинг олдини олиш ва қонунчиликка мувофиқ равишда бартараф этиш каби ижобий ва самарали ишларга қаратилган.

Маълумки, газ тармоқларига ўзбошимчилик билан уланши ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бошқача тарзда бузиш ёхуд табиий газни ҳисобга олиш асбобларига қасдан шикаст етказиш ёки бундай ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартiriш мақсадида уларга ташқаридан аралаштириш учун маъмурий жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 101-моддасида белгиланган.

Ўз навбатида таъкидлаш лозимки, газ тармоқларига ўзбошимчилик билан уланши ёхуд табиий газни ҳисобга олиш асбобларига қасдан шикаст етказиш ёки бундай ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартiriш мақсадида уларга ташқаридан аралаштириш шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин анча миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, айбдор шахс Ўзбекистон Республикаси Жиноят

кодексининг 185-моддаси биринчи қисми бўйича жиноий жавобгарликка тортилади.

Бундан ташқари, газ тармоқларига ўзбошимчилик билан уланши ёхуд табиий газни ҳисобга олиш асбобларига қасдан шикаст етказиш ёхуд бундай ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартiriш мақсадида уларга ташқаридан аралаштириш кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, айбдор шахс Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 185-моддаси иккинчи қисми бўйича жиноий жавобгарликка тортилади.

Шундай ҳаракатлар жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, айбдор шахс Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 185-моддаси учинчи қисми бўйича жиноий жавобгарликка тортилади. Қайд этиш керакки, айбдор шахсини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 185-моддаси иккинчи ва учинчи қисми бўйича жиноий жавобгарликка тортиш учун унга нисбатан кўрсатилган ҳаракатлари учун маъмурий жазо қўлланилиши тақозо этилмайди.

Шу ўринда, эришилган ютуқлар салмоқли бўлиши билан бир қаторда, соҳада ўз ечимини қутаётган масалалар ҳам мавжудлигига эътибор қаратиш лозим.

Жумладан, газ таъминоти ташкилотлари томонидан мазкур соҳада олиб бориладиган назорат тадбирларига қарамасдан қўйидаги камчиликлар ҳам мавжудлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Хусусан, истеъмолчиларнинг юқори даражадаги қардорликлари ҳамда газни ҳисобга олиш асбобларига қасдан шикаст етказиш, газ тармоқларига ўзбошимчилик билан уланши ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бошқача тарзда бузиш, газдан фойдаланиш қурilmасига газни рӯхсатсиз олиб бериш ёки газ истеъмол қилишининг белгиланган тартибда риоя қилмаслик ёхуд газдан фойдаланиш қурilmаларида газ сарфлашининг тасдиқланган солиштирма нормаларисиз газ сарфлаш ёки бундай нормалардан ортиқча сарфлаш каби қонунбузарликлар аниқланган.

Юқоридегиларни инобатга олиб ҳулоса қилиш мумкинки, табиий газ — бу мамлакатнинг ҳажми чекланган табиий бойлиғи ҳисобланади. Ундан фойдаланишда, нафақат ўзимизнинг манфаатимизни, балки, табиий газни ишлаб чиқарувчилар, уни аҳолига етказиб беришчиларнинг меҳнатларини ҳам инобатга олган ҳолда, табиий газдан фойдаланишнинг учун ўз вақтида тўловларини амалга оширишимиз, тўлов маданиятини воғга етказган ёшларда ҳам шакллантиришимиз, табиий газ ва умуман давлатимизнинг бошқа ресурсларига давлат мулоқи, унинг бойлиғи сифатида қарашимиз зарур.

Б.РАҲМОНОВ, Адлия вазирлиги масъул ходими

ЎЗБЕКИСТОННИНГ САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИ МОСКВАДА ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Тадбирдан ортирган ўз таассуротларини ўртоқлашар экан, Россия Сайёҳлик саноти уюшмасининг вице-президенти, Россия Федерацияси Савдо-саноат палатасининг сайёҳлик қўмитаси раиси Юрий Барзкин қўйидаги фикрларини билдирди:

«Бугунги Ўзбекистон, шубҳасиз, дунё аҳамиятига эга бўлган тарихий, маданий ва, албатта, сайёҳлик маркази ҳисобланади.

Сўнгги йилларда республикада сайёҳлик инфратузилмаси тубдан ўзгарди, сайёҳликнинг янги йўналишлари пайдо бўлди, замонавий меҳмонхоналар барпо этилди, қадимги тарихий обидалар таъмирланиб, ободонлаштирилди.

Қадимги меъморчиликнинг 4 миңдан ортиқ машҳур обидалари — сарой ва қалъалар, мақбара ва масжидлар, мадраса ва миноралар замонавий меъморий иншоотлар билан биргаликда йил сайин дунёнинг барча нуқталаридан сайёҳларни ўзига жалб қилиб келаётгани барчамизга маълум».

Ю.Барзкиннинг фикрича, бугунги тақдирот Россия бизнеси ҳамда сайёҳлик маҳсулотлари истеъмолчиларининг Ўзбекистонга бўлган қизиқишини, бетакрор, мўъжизавий диёрни ўзи учун кашф этишга бўлган табиий ва объектив интилишларини намоеён этди.

«Дельсаль групп» сайёҳлик ҳолдинг гуруҳининг асосчиси ва бош директори Сергей Дельсаль Ўзбекистонни россиялик сайёҳлар бориши керак бўлган ҳамда Россиянинг кўплаб сайёҳлик фирми ва компаниялари фаолият кўрсатиши лозим бўлган мақсад, деб ҳисоблашини айтди.

«Асосан индивидуал сайёҳлик йўналиши билан шуғулланувчи ва энг қизиқарли йўналишларга иштиёқманд саёҳатчилар билан ишлайдиган компаниянинг раҳбари сифатида россияликларнинг мамлакатингизга бўлган қизиқиши катта эканлигини доимо ҳис қиламан», деди у.

С.Дельсалнинг сўзларига қараганда, бўлиб ўтган тақдирот унда катта таассурот қолдирди. У Ўзбекистоннинг улкан сайёҳлик салоҳиятига эга эканлигини алоҳида таъкидлар экан, мамлакатимиз сайёҳлик инфратузилмасининг бундай жадал тараққиёти билан яқин давр ичида жаҳон аҳамиятига молик сайёҳлик марказларидан бирига айланиши мумкинлигини қайд этди.

Бундан ташқари, Сергей Дельсаль ишончи шериклар сифатида ўзларини намоеён этиб келадиган Ўзбекистон сайёҳлик компаниялари билан яқин ҳамкорлик мамлакатимизга сайёҳлар оқимини янада кўпайтириши ичида хизмат қилишини ҳам таъкидлади.

«Жаҳон» АА Москва

ЕХҲТ ОЛИЙ КОМИССАРИ — ЎЗБЕКИСТОНДА Мамлакатимизга ташриф буюрган Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХҲТ) кам сонли миллатлар масалалари бўйича Олий комиссари Кнут Воллебек 12 апрель кунини Ўзбекистон Республикаси байналмилал маданият маркази директори Насриддин Муҳаммадиев билан учрашди.

Учрашувда Президент Ислом Каримов раҳнамолигиде Ўзбекистонда миллатларо тотувлиқни таъминлашга алоҳида эътибор қаратиладигани таъкидланди.

Ўзбекистон Конституциясида миллати, дини ва тилидан қатъи назар, барча фуқаролар тенг ҳуқуқ ва эркинликларга эга эканлиги қафолатланган. Бугунги кунда Ўзбекистонда истиқомат қилаётган турли миллатлар вакиллари мамлакатини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, жамиятда демократик жараёнларни чуқурлаштиришда фол иштирок этмоқда.

Қонун чиқарувчи, ижро ва суд ҳокимияти тузилмаларида мамлакатдаги барча миллат ва элатлар вакиллари фаолият кўрсатмоқда.

Мулоқотда миллатларо ва конфессияларо бағрикенглик мамлакатимизни ривожлантиришнинг ўзига хос жиҳати бўлиб келадигани, миллатларо тотувлик ва барқарорлик Ўзбекистон Республикасида давлат сийсати ва ижтимоий тараққиётнинг асосий мақсадларидан бири этиб белгилангани таъкидланди.

Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган фуқароларнинг ўсиб бораётган миллий-маънавий эҳтиёжларини қондиришга қўмақлашадигани, миллатларо муносабатларни уйғунлаштиришга, мамлакатда қарор топган тинчлик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлашга ўз хиссасини қўшаётгани қайд этилди.

— Ўзбекистонда миллатларо тотувлиқни таъминлашга катта эътибор қаратиладиган, — деди Кнут Воллебек. — Мамлакатингизда барча миллат вакиллари тенг ҳуқуқ ва имкониятларга эга экани бизни гоят қувонтиради.

Ўзбекистонда турли миллат ва санъати, урф-одатлари ҳамда аънаъаларини сақлаш ва ривожлантиришга қўлай шароит яратишга қаратиладиган улкан эътибор диққатга сазовор.

Жумладан, мамлакатингиздаги муайян мактабларда 7 тилда таълим берилиши, 10 тилда босма наشرлар чоп этилиши бизда катта таассурот қолдирди.

ЕХҲТнинг кам сонли миллатлар масалалари бўйича Олий комиссари Кнут Воллебек Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар, Халқ таълими вазирлиқлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институти, Илсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказида ҳам музокаралар ўтказди.

(ЎЗА)



Ободлик кўнгиладан бошланади

Шу ёшга кириб, қишнинг бу йилгидек узайиб кетганини кўрмаганман. Тўғри, 1968 – 1969 йилги қиш жуда қаттиқ келган. Лекин бунақа чўзилмаган-да.

Ҳеч бир нарса беҳикмат эмас, дейишарди оталаримиз. Қишнинг кўп давом этгани ёнингариликнинг етарли бўлгани, иншооллох, бу йил сувнинг сероблигига олиб келади. Сув кўпайса, деҳқончиликка ҳам барака қиради, албатта.

Ростини айтсам, бу ёғи қаричилик, дегандек, қишнинг чилласида анча бетоб бўлиб ҳам қолдим. Дўхтирларга раҳмат. Тиббиёт соҳасини шу даражаларга кўтариб қўйган давлатимиздан ҳам миннатдор бўлдим. Даволаш техникаси ҳам, илми ҳам ривожланиб, замон талабларига мослашиб боряпти.

Ниҳоят Кўёш порлаб, баҳор ўз сепини кенг ёйиши билан каминида ҳам ўзгача бир куч-қувват пайдо бўлди. Қани, жонажон шаҳримизда нима гаплар, азиз ҳамшаҳарларимиз қандай ишлар билан машғул эканини билмай, ўз кўзларим билан кўрай, деб яна кезмоққа тушдим.

Эҳ-ҳе, шу ўтган муддат ичида ҳам шаҳримиз қанчалар ўзгарибди. Бошлаб қўйилган ҳеч бир иш тўхтаб қолмабди. Хусусан, Навоий кўчасидаги жами 320 хонадонга мўлжалланган 8 та турар жой биносиди иш қизғинлигини кўриб, дил-дилдан қувондим. Шу йилнинг март ойида Президентимиз Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқларида: «Бу уйлари бориб кўринлар», – деган эдилар... Аввал шу ёққа йўл олдим-да. Бу уйлар айни ўзбеккоп қилиб қуриляпти: ҳам миллий, ҳам замонавий. Энг муҳими, мустаҳкам қилиб, узоқни кўзлаб бунёд этиляпти.

Мустақиллик шарофати билан халқимизга берилган эркинлик пойтахтимизда ҳам бунёд этилаётган уй-жойлардаги маданият даражасининг юксакларга етишига имкон берди. Аввал замонлардан қурилиш борасида дунёга ўзини кўз-кўз қилган халқ яна қайтадан нималарга қодир эканини кўрсата бошлади.

Эсингизда бўлса, ўтган йилнинг кузида шаҳар ҳокимлиги пойтахтимизни боғ-роғларга айлантириш ташаббуси билан чиққан ва ўшандаёқ қанча қанча мевали дарахтлар кўчатлари экилган эди. Аксарияти куртак отиб, кўкариб кетибди. Шу кунларда шаҳримизнинг ҳамма ерида ана шундай мевали кўчатлар экиляпти.

«Бир подшо ўтиб кетаётса, бир отахон дарахт экиб турган экан.

- Бобо, неча ёшга кирдингиз? – деб сўрабди у.
- Сақсондан ошяпман.
- Ахир, бу ёшда экан дарахтингизнинг ҳосилини қачон ейсиз? – дебди у яна.
- Ўзингни худди абадий яшайдигандек ҳис этиб меҳнат қил, деган нақл бор-ку, тақсир. Шунга амал қилиб дегандек... Бизга насиб қилмаса ҳам, бола-чақа, қолганлар бор-ку.

Бу доно гапни эшитгач, бир халгача тилла чиқариб берибди. Отахон:

- Ана, тақсир, мевасини ея бошладик-ку, – деган экан, яна бир халгача тилла ҳадя этибди.
- Яхши дарахт икки марта мева беради, деб эшитгандим-у кўрмаган эдим, – дебди қария ҳазилини қўймай...

Бу ривоят бекорга тўқилмаган. Биз ҳам экан кўчатларимизнинг меваларидан баҳраманд бўлиш умидидамыз. Ахир, мамлакатимизда ўртача ёш ўсиб боряпти. Ўтган йили Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати билан 100 ёшдан ошган қанча ватандошимиз мўхтаман Президентимиз Фармонлари асосида «Шухрат» медали билан тақдирланди. Ободлик йўлида ҳалол меҳнат қилсак шу муборак ёшларга ҳам етамиз. Шундай ривожланиб бораётган мустақил Ватанда кўп-кўп яшагинг келаверади. Яшасам – яратсам, дейман-да.

Кечаги шанба куни «Қумарик» маҳалласидаги шинамгина хонадонда ўтказилган йилнинг қатнашдик. Биринчидан, ихчамгина бўлди. Иккинчидан, соҳиб хонадон ховлини шундай дид билан қуриб, уни ажойиб боғ-роғга айлантирибдики, уй эгасининг диду фаросатига ҳамма қойил қолди. Мевали ва манзарали дарахтлар шундай тартиб билан экилганки, ҳовли қишин-ёзин ям-яшил бўлиб, баҳри-диллингизни очиб туради. Ҳозир дарахтларнинг айни гуллаган пайти. Ҳамма дуо қилди.

Яқинда бир тақсичи билан сўхбатлашиб қолдим. Икки-уч кун олдин Москвадан келган меҳмонларга хизмат қилган экан. Меҳмонлар шаҳримизни айланиб, ҳайратланишибди. Улар Тошкентга шўро даврида ҳам келишган экан. Пойтахтимизнинг таниб бўлмас даражада гўзаллашиб, кенгайиб, замонавий шаҳарга айланганига қойил қолишибди. Айниқса унинг тозаллигини эътироф этишибди.

Буларнинг бари – ҳамжихатлик орқали қўлга киритилганидан ютуқлар. Бинобарин, шаҳар кенгаши депутатлари пойтахтда олиб борилаётган улғувор ишларни кенг тарғиб қилиш, шаҳар худудини мунтазам тоза ва озода сақлаш мақсадида йил давомида «Озода шаҳрим» тадбирини ўтказиш таклифи билан чиқдилар ва бу ташаббус қўллаб-қувватланди.

Ҳозир кўчат бозори – ниҳоятда гавжум. Юртдошларимиз имкони бор ерга дарахт экяпти. Гул кўчатлари бозори ҳам қизигандан-қизиган. Айтгандай, мутахассислар фикрича, дарахтни 20 апрелга қадар экиш маъқул экан, йўқса тутиши амри-маҳол. Ҳозир шундай имкониятлар мавжудки, боғ яратмоқчи бўлган кишига ҳамма шарт-шароитлар яратиб берилляпти.

Чўп суқсанг, кўкарадиган шундай жаннатмонанд диёримизни мевазору гулзорга айлантормасак ҳам бўлмас, ахир. Чунки шу ерда яшаймиш, шу ҳаводан нафас оламиз. Унинг тозаллиги, озодлиги, ризқ-рўзга бой бўлишига эришиш ўзимизнинг қўлимизда-ку.

Мана, шу йилнинг 26 мартида Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Тошкент шаҳри худудида «Озода шаҳрим» тадбирини ўтказиш тўғрисидаги фармойиши қабул қилинди.

Ҳўш, шаҳримизда бу борадаги хайрли ишлар қандай кетяпти?

Машиналар келган пайтида ҳам чиқиндининг баъзи турларини, жумладан, шох-шаббаларни олмасдан, ташлаб кетяпти. Шу сабаб чиқиндилар руҳсат этилмаган жойларда тўпланиб қолмоқда. Маҳалла фуқаролар йиғини идорасида электр токи йўқ, қарздорлик учун узиб қўйилган экан.

Фидойилик, ҳиммату саховат – халқимизга хос азалий фазилатлардан. «Ибн Сино-1» маҳалласидаги 4-уй олдиди болалар йиғини ташкил этилган. Бу эртақнамо боғ ва йиғиннинг бунёд этилишига Акмал Аҳмедов каби тадбиркорлар катта ҳисса қўшибди. Ана шундай саховатли кишилар кўпайсин деймиш.

40-оилавий поликлиникада ўтказилган тозаллик куниди 80 киши меҳнат қилди. Анор, олма, гилос, олхўри каби мевали дарахтлар, мавсумий гуллар экилди, атроф супурилди, тозаланди, бордорлару дарахтлар чиройли қилиб оқланибди.

Учтепа туманидаги «Богистон» маҳалласининг кириш жойида чиройли гулзор ташкил этилди. «Бирлик» маҳалласида янги боғ яратилиб, 500 дан ортиқ мевали дарахт ўтказилган. Тумандаги маҳаллаларда жами 12 мингдан ортиқ мевали дарахт экилибди.

Аммо баъзи худудларда чиқиндилар, шох-шаббалар мавжуд.

Тумани айланар эканмиш, сув таъминотидаги муаммолар ва кўчаларнинг текисланиши талаб этилаётганига ишонч ҳосил қилдик. Бироқ, йил охиригача 50 минг квадрат метр жойга асфальт ётқизилиши режалаштирилганлигини эшитиб, кўнглимиз ёришди.

Албатта, туманда намунали маҳаллалар, кўп қаватли уйлар ҳам кам эмас. «Мажнунто» маҳалласида орасталик ва ободонлаштириш ишларига муҳим эътибор қаратилаётган бўлса, Сувсоз мавзеси, Рохат кўчасидаги «Истиклол люкс» ХУЖМШга қарашли уй олдиди кичик боғ эртақ қаҳрамонларнинг ҳайкаллари билан безатилибди. Сувсоз 2-мавзеси, 2-уй фасадлари чиройли, бутун худудга арча экилаётганини кўрдик. Кўчалар ва йўлақлар ораста.

Сувсоз мавзеси 34-уйга келиб, очиги баҳри-дилмиш очилди. Ушбу уйнинг лифтлари бекум кўст ишлайди. Йўлақларга замонавий эшиклар ўрнатилган, уйлар атрофига қўллаб дарахт кўчатлари экилган...

Тозалик масаласида эътибордан четда қолаётган бир ҳолатга тўхталиб ўтиш жоиз. Туманларни айланганимизда бунинг шохиди бўлди.

Фарғона йўли кўчаси Ҳамза ва Миробод туманини ажратиб турувчи шаҳар марказий кўчаларидан бири ҳисобланади. Файзли бу кўчанинг узун-қун серкатновлигини ҳамма яхши билади. Йўналишда бир неча марта таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилган. Аммо тумanning юзи бўлган бу кўчани том маънода озода деб бўлмайди. Эътиборимизни тортган нарса — симёғоч устунлари-ю бекатлар бўлди. Уларга айрим фуқароларимиз томонидан ўзбошимчалик билан турли эълонлар ёпиштириб ташланган. Қизиги шундаки, фирмалар ҳам ўзининг кичик ҳажмдаги реклама ва эълонларини симёғочларга, эшикларга ёпиштириб кетар экан. Бу каби салбий ҳолатларни фақат Миробод ёки Ҳамза туманида эмас, балки Яққасарой, Мирзо Улуғбек туманларида ҳам учратдик.

Кўпчилигимиз эътибор бермаётган бу кўришни ҳам шаҳримиз, худудларимиз ҳуснига албатта ярашмайди. Яққасарой тумани худудидаги «Бошлиқ» ва «Қўшбеги» мавзеларидаги кўп қаватли уйлarning йўлак эшиклари шахсий эълонлар ёпиштириладиган жой бўлиб кетибди. Бундай ҳолатни Миробод туманидаги «Миробод» бозори атрофидаги кўп қаватли уйларда, Мирзо Улуғбек туманидаги Буёк Ипак йўли кўчасининг метро худуди, ТТЗ даҳаси, «Яланғоч», «Наврўз», «Ширин» бозорлари атрофларида, Ҳамза туманидаги «Авиасозлар» бозори, Бектемир туманидаги «Кўйлик» бозори ва шу номдаги шох бекат худудида кўрдик. Бекат, йўлак, симёғоч ва ҳар хил устунларга, ҳатто дарахтларга ҳам устима-уст ёпиштириб кетилган эълонларни тартибга келтириш зарурлигини алоҳида таъкидлаш шарт эмас.

Бу борада жойлардаги маҳаллалар, шахсий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ҳамжихатликда тартиб ўрнатиши лозим бўлади.

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг юқорида эслатиб ўтилган фармойишида ободонлаштириш бош бошқармаси ҳамда туман ҳокимликларига кўчалар, айниқса, маҳаллалар худудларидаги ички кўчаларнинг асфальт қопламалари қўриқдан ўтказилиб, уларни тўла ва жорий таъмирлаш бўйича чора-тадбирлар қўриш топширилган. Бу йил қишнинг қаттиқ келиши ва чўзилиб кетиши оқибатида баъзи кўчалардаги асфальтлар яроқсиз ҳолга келиб қолди. Ҳозирда ишлар қизиб кетибди, кўпгина йўлар жорий таъмирланмоқда.

Баъзилар юқоридаги ноҳуш ҳолатларни майда ишга йўйишлари табиий. Аммо камчилигининг майдаси бўлмайди. Аксинча, уни тезда бартаф эъти барчамизнинг инсоний бурчимиз эканлигини асло унутмайлик.

Шаҳар кезганда бозорларга ҳам кирдик. Бозордаги тўкин-сочинлик барчамизни беҳад қувонтирди. Лекин кўнлар исини билан лоп этиб юзга чиқаётган яна бир муаммони ҳам эслатиб ўтиш жоиз. Тозалик-озодлик, деймиш, санитария-гиғиена, деймиш, соғлом турмуш тарзи, деймиш. Ҳаммаси инсон, унинг саломатлиги учун. Мана, ёзга ҳам яқинлашиб боряпти. Озиқ-овқатларни сақлаш, уларни санитария-гиғиена қоғдаларига қатъий риоя қилган тартибда сотиш, гўшт маҳсулотлари, хусусан, тил, жигар, калла-поча савдосида ниҳоят даражада эътиборли бўлишимиз керак, бунда кенг жамоатчилиқнинг назорати зарурлиги яққол кўриниб турибди.

Энг муҳими, шу кўни шаҳримиз туманларида янги-янгилари ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари авжида эканлиги, озодликка муҳим эътибор қаратилаётганини кўриб дилимиз ёришди. Шу билан бирга баъзи бир лоқайд раҳбарларнинг эътиборсизлигини кўриб, кўнглимиз хиралашди. Аммо маҳалла-қўй, қорхона ва муассасалар мутасаддилари бу жиҳатларга эътибор бермасалар номларини ошқор этиб, уялтиришга тўғри келади.

Шундай экан, ҳовли, кўчаларимиз, ён-атрофларимиз, ўзимиз ишлайдиган қорхона, ташкилот ва муассасалар худудини доимо озода сақлаш инсоний бурчимиз эканлигини унутмайлик. Зеро, «Дарахт экиб боғ яратинг, ободликда нур таратинг», деган ҳикमत беҳиз айтилмаган.

Сиз бунга нима дейсиз, азизлар?

Ўз навбатида Сизлар мавзеларда, маҳаллаларда, ташкилот ва муассасаларда амалга оширилаётган хайрли ташаббуслар ва шаҳримиз ҳуснига доғ бўлаётган ноҳуш манзаралар ҳақида тахиритимизга 233-29-33, 233-57-02 телефонлари орқали қўнғирок қилиб, мактуб йўллашни унутманг.

Зийрак бобога
«Оқшом» муҳбирлари
ҳамроҳлик қилишди

Зийрак бобо шаҳар кезади:

ДАРАХТ ЭКИБ БОҒ ЯРАТИНГ, ОБОДЛИҚДА НУР ТАРАТИНГ

Газетамиз тахирити ходимларининг бир гуруҳи билан ана шу масалада ўтган ҳафтада шаҳримиз туманларида бўлдик.

Аҳволни ўз кўзларимиз билан кўрдик, кўп ҳамшаҳарларимиз билан бевосита сўхбатлашдик.

Сафаримиз Юнусобод туманидан бошланди. «Боғишамол» маҳалласида 613 та мевали, 60 та игна баргли дарахт, 700 дан ортиқ гул кўчати экилибди. Барака топкурлар маҳалла идораси олдиди тулпа-тузук боғ яратишибди. Кечаги шанба кунги «Озода шаҳрим» тадбирида маҳалла фаоллари, худуддаги кичик қорхоналарнинг 46 вакиллари жалб этилибди. Фаоллардан А. Низамутдинова «Боғишамол», «Гулнора» ХУЖМШ раиси Г. Авазова маҳалла ободлиги ва тозаллигига катта ҳисса қўшаётганини айтишди.

271-умумий таълим мактабиди 1600 та мавсумий гуллар экилибди. «Битирувчилар боғи», «Ўқитувчилар боғи» ташкил этилиб, биринчисига 165 та, иккинчисига 93 та мевали дарахтлар кўчати ўтказилибди. Мактаб ҳовлисида арчалар ҳам кўп.

52-оилавий поликлиника, 502-сон «Бинафша» мактабгача таълим муассасасидаги ишлардан кўнглимиз тўлди. Аммо Уста Ширин кўчасида хунук манзарага дуч келдик: катта кўчанинг икки четига хонадонлардан маиший чиқиндилар олиб чиқиб қўйилган, улар қачон олиб кетилди? – номаълум.

«Обод» маҳалласидаги Тепакўрғон 1-тор кўчасига анчадан бери «Махсустрас» машиналари кирмаганини қандай изоҳлаш мумкин?

Олмазор тумани маҳаллалари худудида 20 та боғ бор. Маҳаллий ҳокимликнинг олд майдониди кенг олмазор боғи яратилган. Туманда жами 7 та янги боғ бунёд этиш кўзда тутилган. Шундан 5 таси тайёр, 2 тасида қизғин иш олиб боришмоқда. Туман бўйича жами 50 мингта мевали ва манзарали дарахт экилди. «Университет» маҳалласида янги чиқиндихона қурилмоқда.

Аммо камчиликларга ҳам дуч келдик. Тумандаги Жомий кўчаси ҳазон ва ахлатлардан тозаланмаган. «Шоназир гўшт маҳсулотлари» МЧЖ худудидаги цехда тозалаш ишлари олиб борилмаган. Тумандаги Қорақамиш ва бошқа қатор кўчалар таъмирталаб бўлиб қолган.

Шу кўни пештоқига «Компрессор» заводи деб ёзилган қорхона худудида бирорта ҳам кишини орасталик билан шуғулланаётганини кўрмадик.

Шайхонтоҳур туманидаги «Ибн Сино-2» мавзесидаги «Шодлик» маҳалласида ҳам бўлдик. Бу ердаги 17 та кўп қаватли уйда жами 6,5 мингдан ошқик киши истиқомат қилади. Тозалик кўнига маҳалладан 150 дан зиёд одам қатнашибди. Кўпчиликнинг кўчи билан лотоклар, йўлақлар тозаланиб, дарахтлар оқланибди, мевали ва манзарали дарахтлар экилибди. Бундан кўз қувонади.

Бироқ маиший чиқиндилар «Махсустрас» қорхонаси томонидан ўз вақтида олиб чиқиб кетилмаяпти.



СУРАТЛАРДА: айрим туман худудларидаги ноҳуш манзаралар

